



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

УЎК: 618, 3:578,36 -616, 647

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПАРЕНТЕРАЛ ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНING ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ



Неъматова Нигора Ўроқовна

Тошкент давлат тиббиёт университети Эпидемиология кафедраси
катта ўқитувчиси, Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: nigoraepid@mail.ru

<https://orcid.org/0009-0005-5324-4257>

Тел: (99) 8463139



Абдукахарова Муаттархон Фахритдиновна

Тошкент давлат тиббиёт университети Эпидемиология кафедраси
доценти, т.ф.н. Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: AbdukaxarovaMuattar005@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0006-8794-9949>

Тел: (99) 726 44 34



Худойкулов Жонибек Бозорович

Тошкент давлат тиббиёт университети Эпидемиология кафедраси
ассистент Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: jonibekbozorovich40@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0000-1393-1689>

Тел: (77) 535-17-77

Анататция: ОИВ инфекциясининг парентерал йўл билан юкиши вирус тарқалишининг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади, айниқса аҳоли зичлиги ва миграция даражаси юқори бўлган шаҳар ҳудудларида. Тошкент шаҳри Ўзбекистоннинг йирик мегаполиси сифатида парентерал ОИВ инфекциясининг ўзига хос эпидемиологик хусусиятларига эга бўлиб, бу ҳолат ижтимоий-демографик ва ҳулқ-атвор омиллари билан белгиланади.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент шаҳрида парентерал ОИВ инфекциясининг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва унинг тарқалишига таъсир этувчи асосий хавф омилларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Тошкент шаҳрида парентерал юкиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, асосан инъекцион гиёҳвандлик ва хавф гуруҳларининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Мазкур мақолада Тошкент шаҳрида парентерал механизм орқали юкувчи ОИВ инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқотнинг мақсади парентерал юкиш билан боғлиқ ҳолатларнинг тарқалиш хусусиятларини ўрганиш ва асосий



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

хавф омилларини аниқлашдан иборат. Тадқиқот ретроспектив таҳлил усулида амалга оширилиб, расмий статистик маълумотлар, юқиш йўллари ва хавф гуруҳлари кесимида баҳоланди.

Калит сўзлар: ОИВ-инфекция, парентерал юқиш механизми, эпидемиологик хусусиятлар, касалланиш кўрсаткичи, тиббий муолажа орқали, тарқалганлик, ҳолатлар, таҳлили

ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПАРЕНТЕРАЛЬНОЙ ВИЧ-ИНФЕКЦИИ В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ

Неъматова Н.У., Абдукахарова М.Ф., Худойкулов Ж.Б.

Ташкентский государственный медицинский университет, г. Ташкент, Узбекистан

Аннотация: ВИЧ-инфекция, передающаяся парентеральным путём, является одним из важных механизмов распространения вируса, особенно в условиях высокой плотности населения и интенсивной миграции в городских территориях. Город Ташкент как крупнейший мегаполис Узбекистана обладает специфическими эпидемиологическими особенностями парентеральной ВИЧ-инфекции, что обусловлено социально-демографическими и поведенческими факторами.

Целью исследования является изучение эпидемиологических особенностей парентеральной ВИЧ-инфекции в городе Ташкенте и выявление основных факторов риска, влияющих на её распространение.

Результаты исследования показали, что в городе Ташкенте парентеральный путь передачи имеет существенное значение и в основном связан с инъекционным употреблением наркотиков и наличием групп риска.

В данной статье проанализированы эпидемиологические особенности ВИЧ-инфекции, передающейся парентеральным механизмом, в городе Ташкенте. Исследование выполнено ретроспективным методом с использованием официальных статистических данных, с оценкой путей передачи и групп риска.

Ключевые слова: ВИЧ-инфекция, парентеральный механизм передачи, эпидемиологические особенности, заболеваемость, медицинские вмешательства, распространённость, случаи, анализ.

EPIDEMIOLOGICAL FEATURES OF PARENTERAL HIV INFECTION IN TASHKENT CITY

N.U.Ne'matova, M.F.Abdukakharova, J.B.Khudoykulov

Tashkent State Medical University, Tashkent, Uzbekistan

Abstract: HIV infection transmitted via the parenteral route is one of the key mechanisms of viral spread, especially in urban areas with high population density and migration levels. The city of Tashkent, as the largest metropolis of Uzbekistan, has specific epidemiological characteristics of parenteral HIV infection, which are determined by socio-demographic and behavioral factors.

The aim of the study is to investigate the epidemiological characteristics of parenteral HIV infection in Tashkent and to identify the main risk factors influencing its spread.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

The study results showed that in Tashkent, the parenteral route of transmission plays a significant role and is mainly associated with injection drug use and the presence of high-risk groups.

This article analyzes the epidemiological characteristics of HIV infection transmitted via the parenteral mechanism in Tashkent. The study was conducted using a retrospective analysis based on official statistical data, with an assessment of transmission routes and risk groups.

Keywords: HIV infection, parenteral transmission mechanism, epidemiological characteristics, incidence rate, medical procedures, prevalence, cases, analysis.

ОИВ инфекциясининг парентерал юқиш йўли қон орқали - бу йўл орқали юқиш қон куйиш жараёнида кўпроқ содир бўлади. Бу ҳолатда томир ичига юбориладиган наркотик шприцларини ўзгартирмасдан ёки зарарланган шприцлар орқали юборилганда ҳам зарарланиш кузатилади. Шунинг учун ОИВ-инфекция Шифохона ичи инфекцияси энг оғир шаклларида бири ҳисобланади. Шунинг учун госпитал вирусли инфекцияларга жиддий эътибор қаратиш лозимдир.

ОИВ/ОИТС стандарт таърифи касалликларни назорат қилиш маркази томонидан тақдим этилган (CDC, АҚШ). Ушбу таърифда беморларга қиёсий ташхис қўйишда 2 хил мезон ҳисобга олинади. СД4 лимфоцитлар даражаси ва бемор клиник ҳолатининг тавсифи. ОИВ-инфекцияси бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалиб, бутун дунёда муҳим тиббий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммо ҳисобланади [5,8].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) томонидан ОИВ-инфекцияси бўйича тайёрлаган Қўшма Дастурига (YUNEDS) асосан ва унда келтирилган маълумотларга кўра, ушбу инфекция билан касалланиш кўрсаткичининг ортиб бораётганлиги кузатилмоқда [6,3].

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиқадиган касаллик, яъни ОИТС касаллиги бугунги кунда барча мамлакатлар учун муҳим муаммога айланган. Ушбу касаллик аҳолининг айни меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши ва касалликни даволашга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги нафақат тиббий-ижтимоий муҳит, балки, иқтисодий тараққиётга ҳам салбий таъсир этмоқда. Шу боис, инсон саломатлиги ва келажак авлодлар камолотига жиддий таъсир этаётган бу тиббий-ижтимоий муаммога қарши курашиш ва унинг олдини олиш инсоният олдидаги муҳим вазифадир.

1-декабр Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунининг кенг миқёсда нишонланишидан кўзланган мақсад ушбу глобал тиббий-ижтимоий муаммога инсоният эътиборини жалб этишдир [2, 7,1, 8].

ОИВ-инфекциясининг асосий юқиш йўли бу гемокантакт – (асосий юқиш омили қон), жинсий (сперма ва қин ажралмалари), вертикал (онадан болага, йўлдош ва она сути). Организмдан ажраладиган бошқа суюқликлар орқали юқиши аниқланмаган. ОИВ-инфекцияси билан энг кўп зарарланадиганлар қон билан ишлайдиган тиббий ходимлардир, улар қандай ишларни бажаришларига қараб эҳтиёт чораларини кўришари зарур. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотларига биноан дунё бўйича бир йил давомида 12 миллиарддан ортиқ инъекция амалга оширилади. Бир йилда ушбу инъекциялар



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

туфайли 8-16 миллион киши – ВГВ, 2,3-4,7 миллион киши – ВГС ва 80-160 минг шахс - ОИВ инфекцияси билан зарарланиши аниқланган.. Тиббий ходимлар орасида энг юқори ҳафли гуруҳлар бу; ҳамширалар, лаборантлар ва беморларга қаровчи кишилардир.

Тиббиёт ходимларининг ОИВ/ОИТС инфекциясининг шифохоналарда тиббий парентериал орқали 65 та ҳолати қайт этилган бўлиб (АҚШ статистикаси) қуйидагича тақсимланди: 34 та ҳолат - ҳамширалар, 16 - лаборантлар, 15 - парваришчилар касбий фаолияти билан боғлиқ бўлади. Жарроҳлик бўлимларида тоза (5-10%) ва шартли тоза операцияларда (15-31%) юқори даражадаги шифохона ичи асоратлари аниқланди.

АҚШнинг берган маълумотларига кўра, ОИВ инфекцияси билан зарарланган 65та ҳолат тиббий ходимларнинг касбига боғлиқ ҳолатда юзага келган бўлиб, қуйидагича тақсимланган; 34 ҳолат – кичик тиббиёт ходимларида, 16 – лаборантларда, 15 – беморларни парваришловчиларда, юқиш йўллари бўйича 54 зараланган ҳолатларда: тери бутунлиги бузилишида – 47 ҳолат, тери шиллиқ қаватлар орқали – 5, иккала йўлда ҳам – 2. Биринчи ҳолат 30 ёшгача бўлган кичик тиббиёт ходимларида бўлса, иккинчи ҳолат 31 ёшдан 40 ёшгача бўлганларда қайт этилган [14,4].

2020 йил охирига келиб, бутун дунё бўйлаб ОИВ инфекцияси билан яшаётганлар, тахминан 37,7 миллион [30,2–45,1 миллион] киши ҳисобга олинган. Республикада 2016-2019йилларда аниқланган ва рўйхатга олинганлар, 2016-йилда республика бўйича барча ОИВ инфекцияси билан касалланганларнинг тахминий сони қарийб 40 минг нафарни, 2017 йилда қайд этилган ОИВ инфекциялари сони 4025 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилда касалланиш даражаси 3983 кишини ташкил етди, 2019 йилда олдинги йиллар билан солиштирганда касалланиш даражаси бироз пасайганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда ОИВ инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият барқарорлашди, бироқ тез бўлмасада, расмий маълумотларга кўра, беморлар сони ортиб бормоқда, мамлакатимизда ОИВ инфекциясига чалинган 42 425 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Уларнинг 2291 нафари (57,5%) эркаклар, 1692 нафари (42,5%) аёллардир.

ОИВ инфекциясини юқтириш йўллари бўйича таҳлил қилинганда, инфекцияларнинг 74,2 фоизи жинсий йўл билан, 18,2 фоизи қон орқали юқтиргани, 0,3 фоиз ҳолларда вирус онадан болага юқиши аниқланган. [11,10,9,2].

Тиббиётнинг, даволаш янги технологияларининг ривожланиши билан, сунъий равишда вужудга келган табиий бўлмаган артифициал юқиш механизми шаклланди. Унинг аҳамияти ўсишда давом этмоқда. Тиббий муолажаларнинг оқими тўхтовсиз ортиб бормоқда. Шифохона шароитида қон, унинг препаратларини қуйиш катта хавф туғдиради. Диагностик муолажалар (пункциялар, зондлаш, бронхо-, гастро-, цистоскопия, эндоскопия ва бошқалар) вақтида зарарланиш эҳтимоли мавжуд бўлади. Бу эса шифохона ичи ОИВ инфекциясини вужудга келтиради. [4,10].

Республикада ОИВ инфекциясининг онадан болага юқишининг олдини олиш бўйича тадбирлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг баённомалари асосида ташкил этилган. Унга мувофиқ, ҳар бир аёл ҳомиладорликнинг 14 ҳафтасидан жойлардаги тиббиёт муассаси томонидан назоратга олиниб, у ОИВга тиббий текширувдан ўтказилмоқда. ОИВ инфекцияси аниқланган ҳомиладор аёл баённомада белгиланган муддатдан то туғуруқ амалга



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

оширилгунга қадар вирусга қарши махсус профилактика дори воситалари билан таъминланади [15,1,13]

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент шаҳри парентерал ОИВ-инфекцияси тарқалганлигининг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва унинг профилактикасини такомиллаштириш.

Тадқиқот материали ва усуллари: Тошкент шаҳрида ОИВ инфекциясининг парентерал юқишнинг хусусиятларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ОИВ/ОИТС касаллигига қарши курашиш маркази ОИВ-инфекцияси билан касалланиш бўйича 2022-2023 йиллардаги расмий маълумотлари ўрганилди ва ретроспектив таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари ва хулосалар. Олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидагилар аниқланди. Ҳар йили Республикамизда ОИВ-инфекцияси билан янгидан аниқланаётган ҳолатлар ҳисобга олиниб, ОИВ-инфекцияси билан яшовчилар сони ортиб бориши кузатилмоқда. Статистик маълумотларга асосан ОИВ-инфекцияси билан кўпроқ 30-40 ёшдаги (4%) эркаклар зарарланганлиги кузатилди, аёллар ўртасида кўпроқ 30-35 ёшдаги аёллар зарарланганлиги (2-3%) қайд этилди.

2024-йилнинг 1-январ ҳолатига жами ОИВ инфекцияси билан яшовчилар сони 10604 нафар бўлиб, улардан 6058 нафарида (57,1 %) юқиш йўли жинсий, шундан 5976 нафари (56,3%) гетеросексуал, 82 нафарида (0,7%) гомосексуал юқиш йўлига гумон қилинган.

ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинганларнинг 2022-2023-йиллар бўйича солиштирма таҳлили.

2022-йил 523 нафар (инт.к 18,3) янгидан ОИВ инфекцияси билан зарарланганлар рўйхатга олиниб, 18 ёшгача бўлган болалар 24 нафарни (инт.к.2,9) ташкил этган. 2023 йилда 491 нафар (инт.к 16,3) ОИВ аниқланган шахслардан 9 нафари (инт.к 1,0) болалар ташкил этди.

ОИВ инфекцияси гиёҳванд моддаларни гуруҳ бўлиб томир орқали қабул қилганда, вирус билан зарарланган, текширилмаган қон ва унинг таркибий қисмлари қуйилганда, зарарсизлантирилмаган (етарлича дезинфекция қилинмаган) жарроҳлик, доялик, стоматологик, сартарошлик ва бошқа асбоблар орқали тиббий муолажалар олганда, шприц ва игналардан умумий фойдаланилганда парентерал йўллар орқали юқади.

2024-йилнинг 1-январ ҳолатига жами ОИВ инфекцияси билан яшовчилар сони 10604 нафар бўлиб, улардан 6058 нафарида (57,1 %) юқиш йўли жинсий, шундан 5976 нафари (56,3%) гетеросексуал, 82 нафарида (0,7%) гомосексуал юқиш йўли аниқланган.

ОИВ инфекцияси билан рўйхатга олинганларнинг 2022-2023-йиллар бўйича солиштирма таҳлили.

2022-йил 523 нафар (инт.к 18,3) янгидан ОИВ инфекцияси билан зарарланганлар рўйхатга олиниб, 18 ёшгача бўлган болалар 24 нафарни (инт.к.2,9) ташкил этган. 2023 йилда 491 нафар (инт.к 16,3) ОИВ аниқланган шахслардан 9 нафари (инт.к 1,0) болалар ташкил этди.

2022-йилда 0-3 ёшгача болалар ўртасида аниқланган 4 та ҳолатдан парентерал, ноаниқ ва маиший мулоқот юқиш йўллари аниқланмаган, 3 та ҳолатда вертикал юқиш йўлига ва 1 нафарида нотиббий парентерал юқиш йўлига тўғри келган. 2022 йилда вертикал юқиш йўли



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

билан 0-3 ёшгача бўлган болалар орасида Олмазор, Сергели ва Яшнобод туманларида 1 нафардан, маиший юқиш йўли билан еса Яшнобод туманида 1 нафар бола рўйхатга олинган. 2023 йилда 0-3 ёшгача болалар ўртасида аниқланган 3 та ҳолатдан парентерал юқишига ҳолатлар аниқланмаган, 2 та ҳолатда вертикал юқиш йўлига ва 1 нафарида юқиш йўли ноаниқ. 2023 йилда Яшнабод ва Чилонзор туманларида вертикал юқиш йўли ҳолат аниқланди.

Охирги йилларда тиббиёт ходимларининг касбий касалланишлари таркибида кескин ўзгаришлар келиб чиқди. Тиббий ходимларнинг ОИВ-инфекцияси билан касалланишнинг олдинги йиллар билан таққослаганимизда бир мунча ошганлигини кузатиш мумкин.

2023-йил 119-код билан ОИВ инфекциясига текширилган тиббий ходимларнинг 6 нафарида (2 нафар эркаklar ва 4 нафар аёллар) ОИВ инфекцияси мавжудлиги аниқланган. Яшаш манзили бўйича Яккасарой, Олмазор ва М.Улуғбек туманларида 1 нафардан, Шайхонтохур туманида 3 нафар тиббиёт ходимларида ОИВ инфекцияси аниқланди. Юқиш йўли бўйича барчасига жинсий йўл билан юққанига аниқланган. Улардан 4 нафар аёлларга жинсий шерикларидан (101 код) ва 2 нафарига бетартиб жинсий алоқа орқали юққанига аниқланган.

2023-йилда аниқланган тиббиёт ходимларнинг мутахассислиги ва юқиш йўли бўйича тахлили:

2023-йилда ОИВ инфекцияси аниқланган 6 та ҳолатдан 1 нафари кичик тиббий ходим, 3 нафари хамшира, 1 нафари фелдшер ва 1 нафари врач нарколог лавозимида ишлаган. Уларнинг барчаси жинсий йўл билан юққанига аниқланган. Улардан 4 нафар аёлларга жинсий шерикларидан (101- код) ва 2 нафарига бетартиб жинсий алоқа орқали юққан.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, аҳолининг ва тиббиёт ходимларининг ОИВ-инфекцияси бўйича билимлари савиясини ошириш ушбу касалликни эрта аниқлашда ва касалликнинг эпидемик тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу эса, ўз навбатида, тиббиёт ходимларининг ОИВ-инфекциясига нисбатан хушёрлигини янада оширишни тақозо этади.

Ҳозирги вақтда ОИВ инфекциясининг парентерал юқиш йўли қон орқали тарқалишининг олдини олишнинг самарали йўлларида бири тиббиёт амалиётига ушбу касалликларга қарши юқори самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва тадбиқ этиш ҳозирги даврда тиббий соҳанинг асосий вазифаларидан иборат.

Adabiyotlar:

1. Mirtazayev O.M., Zuyeva L.P., Matnazarova G.S. /Epidemiologiya/ darslik Toshkent-2020 y. 301-302
2. Ne'matova N.O., Matnazarova G.S., Abdukaxarova M.F., Bryanseva E.V. //OIV-infeksiyasining epi-demiologik xususiyatlari va epidemiologik nazoratini tashkillashtirish//Tibbiyot oliy ta'lim muassasalari talabalari uchun o'quv-uslubiy qo'llanma. Toshkent, 2022. 31
3. Крюкова В.А., Ганина Л.Ю., Турумова З.Ж., Сатарбеков И.К, Кадыров З.З., Махаматов А.А. //Основны эпидемиологического надзора за ВИЧ-инфекции//. учебного пособия – Ташкент. 2011.



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

4. Нейматова Н.У., Абдукахарова М.Ф., Худойкулов Ж.Б. “Особенности эпидемиологии внутрибольничной вич-инфекции в городе ташкенте” – Материалы // “Yuksalish strategiyasi: Til ta’limi sohasida innovatsion usullar, texnologiyalar va amaliyot” mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman. Andijon– 2025. Vol. 1 No. 1 (2026): 4285-4286
5. Нейматова Н.Ў., Матназарова Г.С., Абдукахарова М.Ф., Кутлымуратова Г.Д. Эпидемиологические особенности ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан. Журнал //Теоритическое и клинической медицины//. Тошкент. 2020. 129-131
6. Хальфин Р.А. Методические рекомендации // Эпидемиологическое расследование случая ВИЧ-инфекции и проведение противоэпидемических мероприятий // Российской Федерации 2007. 35
7. Умаров Ж.Ю., Нейматова Н.О., Абсаттарова В.К. К особенностям эпидемического процесса при ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан //Вопросы современной диагностики, профилактики и лечения ВИЧ-инфекции// Журнал //Инфекция, иммунитет и фармакология//. Ташкент 2018. 144-145
8. Ne'matova N.O'., Matnazarova G.S., Abdukaxarova M.F. //Odamning immunitet tanqisligi virusi infektsiyasining epidemiologiyasi va profilaktikasi// Tibbiyot oliy ta'lim muassasalari talabalari uchuno'quv-uslubiy qo'llanma-Toshkent 2022 yil. 18-20
9. Toshkent shaxri OIV/OITSga qarshi kurash markazidan olingan rasmiy ma'lumotlar. 2023yNematova Nigora Urokovna, Abdusakharova Muattarkhon Fakhritdinovna. Epidemiology and prevention of HIV infection in the Republic of Uzbekistan. International Scientific and Scientific-Practical Online Conference on the topic "Ensuring Security Life Activity in the Sectors of the Economy: Perspectives, Problems of Social and Technical Systems // Novateur Publications, Pune, Maharashtra, India JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal ISSN//: 2581-4230, Website: jour-nalnx.com, Journal Impact Factor. May 25th – 26th 2021. 604-609
10. Nematova Nigora Urokovna, Muattar F. Abdusakharova2, Umida A. Almatova3. Epidemiological situation on HIV - infection in the Republic of Uzbekistan“// Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; Türk Fizyoterapi ve Rehabilitasyon Dergisi//. 32(2) ISSN 2651-4451 | e-ISSN
11. Жоникулов Ж.О., Алматова У.А., Бобойева И.Ў., Нейматова Н.Ў //Касалхона ОИВ-инфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикаси ///ТМА.Вестник//.Спес.Випуск.Ташкент.2021. 4-5
12. Учебник /В.И.Покровский, С.Г.Пик, Н.И.Брико../ Инфекционные болезни эпидемиология-2изд-М:ГЭОТАР Медиа, 2018. 816
13. Федоренко Т. В. //Профилактика внутрибольничных инфекций у медицинского персонала //Человек. – 2010. – Т. 1558. 1564. Инфекционная клиническая больница №2, Москва
14. Лынова Е. Н., Глушак Д. В. В. Организация профилактики ВИЧ-инфекции в ЛПУ как медико-социальная проблема //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований//. – 2016. – №. 11-4. 716-718



URGANCH DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

2 - TOM, 3/1 - SON. 2026

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

15. Xudoyqulov JB, Xamzayeva NT. "O 'ZBEKISTONDA METAPNEVMOVIRUSNING EPIDEMIOLOGIK XUSUSIYATLARI VA PROFILAKTIK CHORA TADBIRLAR." (2025).
16. Ne'matova, NO, M. F. Abdukaxarova, and J. B. Xudoyqulov. "O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OIV–INFEKTSIYASIDA EPIDEMIK JARRAYONNING O'ZIGA HOS HUSUSIYATI." (2025).
17. Неъматова, Н. У. "ОСОБЕННОСТИ ЭПИДЕМИОЛОГИИ ВНУТРИ БОЛЬНИЧНОЙ ВИЧ ИНФЕКЦИИ В ГОРОДЕ ТАШКЕНТЕ." (2026).
18. Информационное письмо Республиканского центра по борба со СПИДом, 2023 г.